# Айёмингиз муборак бўлсин!

2005 YIL 7 MART, DUSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 31. (6.868). Sotuvda erkin narxda




# Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчангизни 8 март - Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан самимий қутлаб, сизларга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бу байрам юртимизга ҳар йили баҳор фаслининг илк даракчиси каби кириб келади ва биз уни Меҳр-муҳаббат, нафосат айёми сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаймиз. Ва шу байрам тимсолида Баҳор ва Аёл тушунчаларининг нақадар уйғун эканини, бир-бирини нечоғли маъно-мазмун билан тўлдиришини яна бир карра англаймиз, дилдан ҳис этамиз.

Агар мендан, бу ҳаётнинг гўзаллиги ва бетакрорлиги нимада, деб сўралса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганнинг беқиёс мўъжизаси бўлмиш сиз меҳрибон аёлларимизнинг назокатида, вафо ва садоқатида, сизларнинг сиймонгиздан таралиб турадиган нур ва эзгуликда, мунис оналаримизнинг қалб саховатида, деб жавоб берган бўлардим.

Азиз опа-сингилларим, аввало, сизларнинг чексиз сабр-бардошингиз, сеҳрли қўлларингиз, тинимсиз меҳнатингиз ва ҳаракатларингиз билан хонадонларимиз обод, кўнгилларимиз шод. Фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, дилбанди учун жонини ҳам аямайдиган, ҳаёт давомийлигини асраб келаётган сиз, қадрдонларимизнинг ҳар бир кунингиз том маънодаги фидойилик намунасидир.

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг қайси томонини олмайлик -оддий оиланинг рўзғорини тебратишдан тортиб давлат ва жамият қурилишигача, иқтисодиётни ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиётигача - бу соҳаларнинг барчасини аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги кунда янгиланиш ва юксалиш йўлидан бораётган Ўзбекистонимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кучайтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва унинг самарасини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Аёлларимизнинг кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида, демократик жараёнларда, нодавлат ташкилотлар фаолиятидаги роли ва ҳиссаси тобора ортаётгани барчамизни қувонтиради.

Шулар қаторида опа-сингилларимиз табиатнинг ўзи ато этган мураббийлик ва тарбиячилик фазилатларини, ақл-заковат ва ғайрат-шижоатини намоён этиб, хонадонларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида, бутун жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни осуда ҳаётимизга таҳдид солаётган турли хавф-хатарлардан асраш борасида жон куйдириб меҳнат қилаётганлари айниқса таҳсинга сазовор.

Шу билан бирга, биз қонунчилигимизда, қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аёллар учун белгилаб берилган имконият ва имтиёзларни, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш учун жойларда ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам яхши тасаввур этамиз.

Бу ҳақда гапирганда, фақат аёл зоти бажара оладиган ишлар -бу хоҳ оилавий юмушлар, фарзанд тарбияси бўлсин, хоҳ даладаги меҳнат, хизматдаги вазифа бўлсин - ана шу меҳнатнинг қадрига етиш, уни муносиб баҳолаш, турли минбарлардан аёллар шаънига айтиладиган чиройли гапларни амалда рўёбга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш айни муддао бўларди.

Шу мақсадда оилаларнинг даромадини кўпайтириш, ижтимоий масалалар - аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги уй-жойлар қуриш, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш борасида амалга ошираётган барча ишларимизни шу йўлдаги энг муҳим вазифалар, деб қабул қилишимиз зарур.

Азизларим, сизларни яна бир бор зеболик ва нафосат байрамингиз билан муборакбод этаман.

Бугунги байрам шодиёнасида сиз, муҳтарама аёлларимизнинг фидойи қалбингиз, беминнат меҳру муҳаббатингиз учун ҳар қанча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак, арзийди.

Иқболингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Бахтимизга доимо омон бўлинг, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ҚАРОРИ**

## Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чораларини кучайтириш тўғрисида

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишга қарши кўрилаётган кураш чоралари яхши самара бермаяпти. Экинларнинг пайҳондан асрашни таъминлашга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фермерлар, деҳқонлар ва бошқа ердан фойдаланувчиларни жалб қилишга етарли эътибор қаратилмаяпти. Натижада экинларни пайҳон қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда, бу эса ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг катта исроф бўлишига олиб келмоқда.**

**Қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга барҳам бериш, кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда тегишли идоралар раҳбарлари масъулиятини кучайтириш мақсадида:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари томонидан экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб топилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда бошоқли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

жойларда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини пайҳон қилиш ва исрофгарчиликдан асраш бўйича комплекс ишларни амалга оширсин;

пайҳон қилиш ҳоллари нисбатан кўп учрайдиган жойларда ердан фойдаланувчиларни жалб қилган ҳолда кузатув постлари ташкил этсин. Дала қоровуллари ишининг самарадорлигини оширсин;

экин майдонларида мол боқишга, автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникасида юриш ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келадиган бошқа қоидабузарликларга қарши курашни кучайтирсин;

чорва моллари фақат махсус ажратилган жойларда боқилишини таъминласин, экин майдонлари четларида мол боқишни қатъий тақиқласин;

пайҳон қилиш ҳоллари аниқланганда мол эгаси, автотранспорт, қишлоқ хўжалиги техникаси ёки пайҳонга сабаб бўлган бошқа воситаларни аниқлаш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрсин, уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чораларини қўллаш учун тегишли органларга материалларни тақдим этсин.

Хўжаликлар раҳбарлари ички ишлар органлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик кучи билан ҳамкорликда пайҳон ҳолларини аниқлаш ва бундай қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган мунтазам рейдлар ўтказиш бўйича амалий чоралар кўрсин.

3. Республика «Маҳалла» жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари билан бирга:

уй ҳайвонлари қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ва профилактика чора-тадбирлари мажмуининг амалга оширилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг ҳолларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга маҳалла фаолларини кенг жалб қилсин ва уларнинг имкониятларидан фойдалансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пайҳон жойида ушланган моллар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилади ва унинг эгасига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилганидан ва келтирилган зарар тўлиқ қопланганидан кейингина эгасига қайтарилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов):

экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрсин, профилактика ишларини олиб бориш учун тегишли постлар ташкил этсин, ҳар бир пайҳон ҳолати юзасидан айбдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин;

амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) экинларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрмаган ва пайҳонгарчиликка йўл қўйган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжаликлар ва уларнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарларини қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Б.Мустафоев) Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда экинлар пайҳон қилингани учун жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни тарғиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

8. Ўзтелерадиокомпания (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) ва бошқа оммавий ахборот воситалари қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, экинлар пайҳонгарчилиги ва нобудгарчилигига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг матбуот, радио ва телевидениеда мунтазам ёритилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 март

## Ҳамкорлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 5 март куни Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушарраф расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.***

Дўрмон қароргоҳида 6 март куни олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Шундан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарлари яккама-якка суҳбатлашдилар. Унда асосий эътибор икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон ва Покистоннинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Жаҳон сиёсат майдонида Ўзбекистон ва Покистонга ҳақли равишда халқаро аксилтеррор коалициясини қатъий қўллаб-қувватлаган, терроризм ва экстремизмга қарши курашнинг олдинги сафида турган давлатлар сифатида қаралади.

Минтақамизда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий интеграцияни ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон ташаббуслари халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланаётир. Покистон ўз минтақасида барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим ўрин тутувчи мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон билан Покистоннинг икки томонлама муносабатлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин янгича мазмун касб этди. Аммо Афғонистондаги фуқаролар уруши ва бунинг натижасида минтақада вужудга келган қалтис вазият ҳамкорликни имкониятлар даражасига кўтариш учун тўсиқ бўлиб келди. Афғонистонда эндиликда тинч ва осуда ҳаёт тикланмоқда. Бу Ўзбекистон ва Покистон муносабатларини таҳлил этиш, алоқалар истиқболини белгилаб олиш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини қайта кўриб чиқиш ва самарадорлигини ошириш имкониятини яратмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**

## Аёл – миллат шаъни

***Буюк инсонлар ортида ҳамиша буюк аёллар туради, деган экан бир донишманд. Бу ҳикмат кенгроқ маънода талқин қилинса, миллатнинг юксалиши, юрт келажаги бўлган фарзандларимизнинг соғлом ўсиши, комил инсон бўлиб етишиши замирида аёл меҳнати, меҳри, оналарнинг фидойилиги бор, деймиз.***

Оқила аёл қўли теккан иш гул бўлади. Бугун ҳаётнинг қайси соҳасини олмайлик, оддий касб эгаларидан тортиб, Ватан ҳимоячиларигача шижоатли аёллар сафи кенглигини, улар ҳар жабҳада ўз ўрнига эга бўлаётганини кўрамиз.

**ФАХР**

Олий Мажлиснинг юқори ва қуйи палаталарига ҳамда маҳаллий кенгашларига ўтказилган сайловларда кўп сонли аёллар номзод сифатида иштирок этгани, аёл депутатлар ва сенат аъзолари борлиги мамлакатимизда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишга ҳам жиддий эътибор берилганининг самараси бўлди.

Мустақиллик йилларида оналик ва болаликни ҳимоя қилишга доир белгиланган бир қанча чора-тадбирлар бозор иқтисодига ўтиш шароитида улар давлатимизнинг ижтимоий муҳофазасида бўлиб келаётганини билдиради. Яна бир нарсани таъкидлаш жоиз, йил номлари билан боғлиқ барча дастурий режаларда ҳам бундай ижтимоий муҳофаза, маънавий-маърифий эътибор, бу борадаги муаммоларни изчил ҳал эта бориш ўз ифодасини топиб келмоқда. “Сиҳат-саломатлик йили”нинг мазмун-моҳиятида ҳам шундай мақсадлар асосий ўринни эгаллайди. Зеро, шифокорларнинг соғлом онадан соғлом бола туғилади, деган сўзлари бежиз эмас.

Аёл – миллат шаъни. Биз хотин-қизларнинг қадр-қиммати, оила ва жамиятда муносиб эъзоз топиши, оналик бурчини адо этиши учун имкониятлар яратиш ҳақида қайғуриб, аёлни улуғлар эканмиз, бу билан миллат шаънини ҳам улуғлаган бўламиз. Бир қарашда соддагина гап – бола ўстириш аслида миллат давомийлиги жараёнини билдиради. Миллий ғурури бор, ориятли киши оналар, опа-сингилларни доимо аяйди, асраб-авайлайди.

Бир суҳбатда кекса онахонлар оғирчиликда ўтган йилларини эслаб, ҳеч тиним билмаганини, баъзан лой кечиб ишлаганини айтиб “Чидаган эканмиз-а, аёл бошимиз билан қандай оғир юмушларда ишлаганимизни айтсанг ишониш қийин, ҳарна жуссали эдик. Даладан келиб шу куни туққанлар ҳам бўларди. Яхшиям у замонлар ўтиб кетди. Биздан кейингилар бироз нозик-да, унақада салга касал бўлишарди-я”, деганларида кўнглимда ўша пайтларда аёлларимизнинг ҳаддан зиёд заҳмат чекиши, бор кучини машаққатлар сўриб, боласига қувват беролмай қолгани, бунинг ҳиссаси фарзандлар бўй-басти, қувватидан табиий “ушлаб қолинганини” мулоҳаза этардим. Қолаверса, у пайтда болалар ҳам катталар меҳнатига тортилган эди. Миллат шаъни узоқ йиллар шундай topталаверган.

Тангри аёл воситасида одамзод наслини яратади, ўстиради, бола ёшидан инсонга айлантиради. Аёлнинг қирқта жони бор, деган нақл қандай пайдо бўлганини билмасмиз. Аммо эл сўзига тараф йўқ. Балки ҳаёт тақозоси билан уннаган ишларига бир жонини қирқ ҳалак этишидан, яна тунлар бешик бошида беором чайқалишидан унга бўлган ҳайрат ифодасидир бу ибора.

Оила хотиржамлиги, бахти тўкислик, кўнгил қувончи аёл чеҳрасига гулгунлик бахш этади, оила нурга тўлади, диллар меҳридан равшан. Аёлни ҳаёт бергувчи нозик хилқат этиб яратди. Унинг ўзи ҳам ҳаёт қадар севимли бўлса, не ажаб. Шу боис улар таърифида айтилган сўзлар ҳамон муҳаббат каби туганмас ва ҳароратли. Баҳор ҳам илк байрамини аёлларга атаган.

**Дилором ҚЎЗИЕВА**

## Қуёшдек мунаввар, баҳордек латофатли

***Ҳар қандай жамиятнинг нуфузи кўп жиҳатдан аёлларга эътибор ва ғамхўрлик билан белгиланади. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.***



Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишларида, ҳаётнинг турли жабҳаларида қўлга киритилаётган улкан муваффақиятларда, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда жамиятимиз кўрки ва таянчи бўлган фидойи аёлларимизнинг салмоқли улуши бор.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида 5 март куни хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.



Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов очди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

**(Давоми 2-бетда)**

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 395,3 ▲+4,4 | БЕНЗИН (91) 422.5 ▼-27,5 | ДИЗ.ТОПЛИВО 279,2 ▲ +2,9 | МАЗУТ 63,1 ▼-1,7 | СЖ.ГАЗ 163,6 ▲+51,9 |
|---|---|---|---|---|---|

# Ҳамкорлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлида

(Боши 1-бетда)

Парвез Мушаррафнинг ташрифидан кўзланган мақсад икки томонлама ҳамкорлик масалалари билан чекланмайди. Покистон АҚШ, Хитой, Туркия ва Форс кўрфази мамлакатлари билан стратегик ҳамкор. Ўзбекистон эса АҚШ, Россия, Япония каби давлатлар билан стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган.

Икки томонлама асосда ва ШҲТ доирасида қарор топган алоқалар туфайли Хитой ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Демак, Ўзбекистон-Покистон ҳамкорлиги сиёсий ва иқтисодий алоқалар ҳамда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан долзарб масала сифатида намоён бўлмоқда.

Тошкент ва Исломобод ўртасида мустаҳкам ва узоқ муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрфази мамлакатлари билан, Покистон учун эса Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларни янгича асосда, кенг ривожлантириш имкониятларини очади.

Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф ҳамкорликни барча соҳаларда фаоллаштириш ва янги мазмун билан бойитиш масалаларини муҳокама қилди. Алоқаларни мустаҳкамлашнинг ана шундай кенг қамровли стратегияси юзасидан фикр алмашдилар.

Президентлар Афғонистонга ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳам муҳокама этдилар. Афғон муаммоси бўйича мулоқотларга мунтазамлик тусини беришга, терроризм, наркобизнес ва экстремизмга қарши кураш борасида тажриба ва ахборот алмашиб боришга келишиб олинди.

Ҳақиқий ислом дини билан динни ниқоб қилиб олган ғараз ниятли кучлар ўртасидаги фарқни аниқ ва кескин ажратиш лозимлиги тўғрисида томонларнинг фикри бир хил. Баъзи ақидапарастларнинг Покистон ҳудудида яшириниб юргани кўпчиликка маълум. Парвез Мушарраф мазкур муаммони ҳал этиш учун Покистон барча куч ва имкониятларни ишга солаётганини, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар келгусида ҳам қатъият билан давом этишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, суҳбат чоғида БМТни ислоҳ қилиш, Покистоннинг ШҲТга қўшилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар ҳамда минтақавий интеграция масалалари томонларнинг диққат марказида бўлди.

Ҳозир дунёда энергия захираларига талаб ортиб бораётгани сир эмас. Шу боис Покистон энергия манбаларига бой минтақа ҳисобланган Марказий Осиёдан чиқадиган жанубий йўналишдаги янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникацияларига туташувидан манфаатдор. Ўзбекистоннинг Покистон йўллари орқали Араб денгизи соҳилларига чиқиши эса икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидаги нефть-газ конларини разведка қилиш ва ўрганишга қизиқиш билдирмоқда. Шунинг учун Исломобод Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига Ўзбекистонни ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларни жалб этиш ниятида. Бу Покистон товарларининг (пластмасса буюмлар, чарм ва картондан ясалган маҳсулотлар, дори-дармон, мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига кириб боришига ҳам хизмат қилган бўлур эди.

Ўзбекистон эса Покистон бозорига йўналтирилган экспорти ҳажмини (пахта, полиэтилен, суюлтирилган газ, минерал ўғитлар, ғалла, қишлоқ хўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Ҳозир Покистон Ўзбекистон пахтасини учинчи давлат орқали сотиб оляпти. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 8,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ваҳоланки, Эрон бандаргоҳлари орқали Покистонга 43 миллион долларлик пахта юборилди. Табиийки, икки томонлама савдо статистикасига бу рақам кирмайди. Шу боис музокарада бевосита савдо-сотиқ масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бош вазирларга савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон қўшма комиссиясининг фаолиятини такомиллаштириш вазифасини юклашга келишиб олинди.

Қўшма корхоналар сонини ошириш масаласи ҳам кенг муҳокама этилди. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармояси иштирокида тузилган 42 корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар 2004 йилда жами 19,5 миллиард сўмлик товар ишлаб чиқарди ва хизмат кўрсатди. Бунда экспортнинг улуши 4,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистонда «Табани корпорейшн» ва «Пакистан интернейшнл эйрлайнз» компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Бу кўрсаткичлар икки томонни ҳам қониқтирмаслиги, уни ошириш имкониятлари кўплиги таъкидланди. Ишбилармонлар ҳамкорлигини янада рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, банк-молия соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Музокарада тарихий ва маданий яқинлик ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши омил эканлиги таъкидланди.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистонда ва Покистонда ўтаётган турли халқаро санъат ва мусиқа фестивалларида, илмий-маърифий анжуманларда қатнашиб келмоқдалар. Кино ижодкорлари ҳамкорликда халқларимизнинг тарихий алоқаларига доир ҳужжатли филмлар устида ишламоқдалар. Олимлар тарихий-маънавий меросга оид маданий ёдгорликларни, археологик топилмаларни, қўлёзмаларни тадқиқ этмоқдалар.

Лекин бу борадаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинаётгани йўқ. Масалан, Бобурийлар даври билан боғлиқ тарихий жойлар бўйлаб қўшма экспедицияларни давом эттириш мумкин. Умуман, маданий ва илмий доираларнинг, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини кўпайтириш даркор. Бу ўзаро ишончни мустаҳкамлашда ўзига хос муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Ҳозиргача Ўзбекистон-Покистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини 20 ҳужжат ташкил этаётган эди. Дўрмондаги музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёнотга имзо чекдилар. Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида 2005-2009 йилларга мўлжалланган маданий алоқалар дастури ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф музокаралар самимий ва ишчанлик руҳида ўтганини таъкидладилар, эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришига ишонч билдирдилар.

Шу куни Покистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. Парвез Мушарраф жаҳон шеъриятининг даҳоларидан бўлган буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий хотирасига ҳурмат бажо келтириб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлди. Покистон раҳбари мамлакатимиз тарихи, Истиқлол йилларидаги улкан ўзгаришларни акс эттирган экспонатларни кўздан кечирар экан, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлидан оғишмай бораётганини таъкидлади.

Покистон Ислом Республикаси Президенти генерал Парвез Мушарраф юртимизга ташрифи давомида Самарқандни ҳам зиёрат қилади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

***Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизлар фаол иштирок этмоқдалар. Ўз меҳнати, билими, ақл-заковати билан элда эъзоз топган муҳтарама аёлларимиз бугун Сенат аъзоси, депутат, етакчи раҳбар бўлиб, мамлакатимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшмоқда.***

# Ҳуқуқи тенг, масъулияти ҳам...

БАЙРАМ СУҲБАТИ

Баҳорнинг илк байрами арафасида биз – Олий Мажлис Сенатининг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Мавжуда опа Ражабова билан суҳбатда бўлдик.

*– Жамиятимизда аёлларга кўрсатилаётган эътибор ҳақида сўзлаб берсангиз.*

– Мустақиллик йилларида аёлларимизга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Нафақат оила, балки давлат ва жамиятда ҳам уларнинг ўз ўрнини топишида барча имкониятлар яратилган, бу борада Президентимиз йўл-йўриқлар кўрсатиб, ғамхўрлик қилмоқда. Жумладан, икки палатали парламент, айниқса, Сенатнинг шаклланишида ҳам уларнинг ўрни борлигига алоҳида урғу берилди. Жамиятимизнинг бир қатор илғор аёлларига катта ишонч билдирилиб, улар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутат этиб сайландилар, Сенат аъзоси бўлдилар. Зеро миллий давлатчилигимизни ривожлантириш истиқболи кўп жиҳатдан қабул қилинаётган қонунларнинг асосли ва тўлақонлилигига боғлиқ бўлади. Бунда Қонунчилик палатаси ва Сенат ўзаро ҳамда муво фиқлик ва мутаносиблик асосида қонун ижодкорлигини амалга оширадилар. Бу эса давлатимизнинг яқин орада ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашида ижобий рол ўйнайди.

*– Айрим ҳолатларда кимнингдир масъулиятсизлиги туфайли аёл ҳуқуқига путур етади. Сизнингча бундай ҳолатларнинг олдини олишда қандай чора-тадбирларни қўллаш керак?*

— Меҳнат, фуқаролик муносабатларида, ҳуқуқ ва барча соҳаларда аёлларимизнинг тенгҳуқуқлилиги қонунан белгилаб қўйилган. Мисол учун, улар ҳар доим мутахассислиги, эгаллаган соҳаси, билими, қобилиятига яраша, энг асосийси, ўз истаги билан меҳнат қилиши, жамият ҳаётида иштирок этиши қонунлар билан кафолатланган.

Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизми яратилган жамиятимиз ва давлатимизда аёлнинг камситилиши деган тушунчага ўрин йўқ, деб ҳисоблайман. Қандайдир субъектив сабаб ёки омиллар билан аёл ҳуқуқи бузилар экан, бундай пайтда жавобгарлик масаласи ҳал қилиниши керак. Бундай ҳолатлар инсон ҳуқуқига масъулиятсизлик билан қараган кишилар (кўпчилик ҳолларда мансабдор шахслар) томонидан содир этилиши кузатилади. Улар қонун олдида жавоб беришга мажбурдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аёллар ҳуқуқининг таъминланишини дунёдаги ривожланган давлатлар билан қиёсланганда улардан кўра бу борадаги қонуний меъёрлар бизда мукаммаллигига гувоҳ бўлганмиз.

*– Аёл раҳбар...*

– Аёл раҳбарлиги бир қараганда ҳам шарафли, ҳам масъулиятли. Албатта, ўзига яраша қийинчиликлари бўлади. Буни инкор этолмаймиз. Чунки аёл жамият ва давлатда раҳбарлик қилишда аввало ўзининг оила билан боғлиқлиги, яъни фарзандлар тарбияси, умр йўлдошига ғамхўрлик, қариндош-уруғларга меҳр-оқибат кўрсатиш билан бир қаторда раҳбарлик масъулиятини ҳам кўтара билиши лозим. Раҳбар аёллар жамиятнинг, атрофдагиларнинг ҳурматини қозонган бўлиши зарур. Бундай сифатлар раҳбар аёлларни янада кўркам ва бекам қилиб кўрсатади.

*– Байрам тилакларингиз...*

– Баҳор иссиқ ҳарорати билан ўлкамизни кезмоқда. Табиат сингари аёлларимиз қалбига ҳам байрамона хушкайфият, илиқлик инди.

Шундай тароватли кунларда меҳрибон ва мунис оналаримизни, дилбар аёлларимизни, севимли қизларимизни байрам билан табриклаб, уларнинг ҳар бирига узоқ умр, соғ-омонлик, юртимиз ривожига ҳиссаларини қўшишда чарчамаслигини тилаб қоламан.

**Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА суҳбатлашди.**

# Юрагида жасорат бўлсин

***3 март куни Тошкент шаҳар ҳокимияти хотин-қизлар қўмитаси ташкилотчилигида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан "Аёлга эҳтиром" номли катта тадбир ўтказилди. Мазкур қўмита таклифига биноан Тошкент ва Сирдарё вилоятларидан жами 800 нафар фермер аёллар азим пойтахтимизга келдилар. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова фермер аёлларимизни баҳорнинг қутлуғ байрамлари билан табриклар экан, уларнинг матонатли меҳнати, шарқ аёлига хос асл ҳиммати, мустақил Ватанимизни, юртимизни фаровон этиш учун шижоат кўрсатишаётганини чинакам қаҳрамонлик деб таърифлади.***



ТАДБИР

– Ушбу тадбирни ўтказишдан мақсад, - деди у, - чекка туманларда, қишлоқ жойларида пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, боғдорчилик ишларида эркаклар билан елкама-елка туриб, ҳар бир сиқим тупроққа, экин ниҳолларига оналик меҳрини бераётган, ҳалол меҳнат эвазига тўкинлик яратаётган аёлларнинг руҳини янада кўтариш, узоқ тарихга эга бўлган бой маънавий меросимиз дурдоналари билан таништириш, улардаги она-Ватанга садоқат, келажакка ишонч руҳини ошириш, баҳорий кайфият улашишдир.

Фермер аёлларимиз кун давомида пойтахтимизда жойлашган Темурийлар тарихи Давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Собир Раҳимов тумани "Ачаобод" маҳалласидаги "Сағбон-текстил" қўшма корхонаси, 42-оилавий поликлиника ва спорт объектлари билан танишдилар, фермер аёл таъбири билан айтганда, бундан "таассуротлари хирмондай тўлишди".

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, ҳукуматимизнинг қатор қарорлари ва давлат дастурларининг қабул қилиниши республикамиздаги аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширишга, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашга, ўзига ишончини орттириш, илҳомлантиришга муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги йиллар давомида кичик ва хусусий тадбиркорлик секторида уларнинг сони ортганлиги мулоқотларда қайд этилди.

Она замин бағридан элнинг ризқу насибасини ундириш учун аёлларимиз ҳиммат камарини боғлаб, бободеҳқон касбини тутиб, далаларда меҳнат қилмоқда. Бунинг сири нимада?

– Аёл бўлса ҳам, эркак бўлса ҳам юрагида жасорат бўлсин! – дейди биз билан суҳбатда Сирдарё вилояти Ховос туманидаги "Шаффоф" фермер хўжалиги раҳбари, "Меҳнат шуҳрати" ордени нишондори Гулсара Умарова. – 92 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз, 45 гектар ғалла, 38 гектар пахта ва бошқа экинлардан ҳар йили режамиздан зиёд ҳосил олишга эришяпмиз. Деҳқончасига айтсам, муваффақиятнинг отаси ҳам, онаси ҳам – меҳнат. Энг муҳими, фермерларимиз ўз меҳнатидан манфаатдордир.

Ғоят кўтаринки руҳда ўтган ушбу тадбир давомида азиз меҳмонларга байрам дастурхони ёзилиб, таниқли хонандалар ижросида мусиқий дастур ҳавола этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Сенат аъзоси, севимли шоиримиз Абдулла Орипов қатнашиб, муҳтарама аёлларимизни байрам билан қутлади.

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

# Қариси бор уйининг париси бор





Сўлим табиатли ҳудудлардан бири — Қибрай туманида 20 нафарга яқин юз ёшдан ошган онахонларимиз истиқомат қилади. Чинобод маҳалласида яшовчи 105 баҳорни қаршилаган Жамолхон ая Умархўжаеванинг 48 набираси, 20 нафар чевараси бор. "Истиқлол" маҳалласидаги 110 ёшни тўлдирган мўътабар онахон Умрия ая Режиметова 45 набира, 37 чеваранинг меҳрибон бувижониси.

**СУРАТЛАРДА: Жамолхон ая Умархўжаева (чапда) чеваралари билан, Умрия ая Режиметова (ўнгда).**

**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

# Қуёшдек мунаввар, баҳордек латофатли

(Боши 1-бетда)

Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова аёлларнинг давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлаш, Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини бажариш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Яқинда бўлиб ўтган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга аёллардан сайланган депутатларнинг аввалги сайловларга нисбатан икки ярим баробар кўплиги мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан юксак эътиборнинг яна бир намойиши бўлди.

Илм-фан, маданият ва санъат каби соҳаларда барчага намуна бўлаётган истеъдодли қизлар учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис қилинган. Анъанага кўра Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги энг иқтидорли ва фаол ўн тўрт нафар қизга ана шу Давлат мукофоти тантанали топширилди.



Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Э.Воҳидов аёлларимизни гўзаллик ва баҳор байрами билан қутлади.

Йиғилишда сўзга чиққан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, Нукус шаҳридаги санъат коллежи талабаси Гулбаҳор Ахимбетова, Фарғона давлат университети талабаси Наргиза Охунова мамлакатимизда хотин-қизларга, айниқса, истеъдодли ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиром учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг катта концерт дастури билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг спикери Э.Халилов, Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Оналар соғлиги – эл бойлиги

***Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамкорликда "Аёл соғлиғи – эл бойлиги" мавзуида маънавий-маърифий тадбирни ўтказди.***

Тадбир Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти талабаларининг бадиий чиқиши ва қўшиқларига уланиб кетди. Тадбирда қатнашаётган мунис онахонларимизга маҳалланинг ҳаваскор ёш шоирлари ўзларининг шеърларидан намуналар ўқиб беришди.

**"Туркистон пресс".**

*Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл*

***...Ўрта мактабда ўқувчиларга математика фанидан сабоқ бераётган Мухтабар опанинг ўғилчаси нохуш ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолди. Она барибир она-да. Ўй-хаёли фарзандида. Гўдакни даволатиш, парваришлаш озмунча вақтни оладими? Хуллас, ишини ўзгартиришига тўғри келди. Бироқ, ўшанда Мухтабар опа институтда таҳсил олиб, олий маълумотли бўлгани ҳали унга кўп бор асқотишини ўйлаб ҳам кўрмаганди.***

# Она, тарбиячи, фермер...

– Вақт ўтгани сайин мени ногирон фарзандимнинг эртасини ўйлашим керак, деган фикр безовта қила бошлади, - дея эслайди у. – Шу аснода уйда пардўзлик кичик тадбиркорлик цехи очиш нияти туғилди. Мактабдаги қўл-оёғи чаққон шогирдларим кўз ўнгимдан ўтди. Уларни атрофимга тўплаб, шу иш билан шуғуллана бошладим.

Ҳа, Ғиждувон туманидаги Зарангари қишлоғида яшаётган Мухтабар Жабборовадан шу яқин-атрофда турувчи қиз-жувонларнинг кўпчилиги миннатдор. Негаки, у туфайли ҳунарли бўлишди. Қўлида ҳунари бор киши эса ҳаётда қийналиб қолмайди. Кафтингда бўлса ялайсан, ўзгада бўлса тилайсан, деганлари бежиз эмас, ахир.

Мухтабар опада кейинчалик фермер бўлиш нияти ҳам туғилди. Аввалига "Хуршид-1", сўнг "Камолот" фермер хўжалиги ташкил этиб, оилавий ишлашга киришди. М.Жабборова бошқараётган "Камолот" фермер хўжалиги ихтиёрида ҳозир Қутчи массивида 50 гектар ер бор. Асосан чорвачилик билан шуғулланишга ихтисослашган хўжаликда айни пайтда 150 бош қўй боқилмоқда. Чўлни ўзлаштириб, пахта ва буғдой ҳам етиштиришяпти. Чунончи, бултур икки гектар ердан 4,5 тонна "оқ олтин" олишди. Чўл шароитида олти тоннадан зиёд буғдой ҳам етиштирилди.

– Аёл кишига фермерлик иши қийин эмасми? – сўраймиз Мухтабар опадан.

–Ука, ҳаёт курашдан иборат. Югуриб-елган кишининг ризқи бутун бўлади. Мен фермер бўлиш ниятидаги опа-сингилларимга қарата "Қатъиятли, дадил бўлинг. Ўз ҳақ-ҳуқуқингизни билинг. Ўқиб-ўрганинг", деган бўлар эдим. Ўзимга келсак, ҳаётимдан нолимайман. Фарзандларим эртасидан кўнглим тўқ. "Т-28" русумли тракторимиз, бульдозер, юк кўтаргич техникаларимиз бор. Ғиждувон шаҳрида техника таъмирлаш устахонаси, ошхона очганмиз. 12 киши иш билан таъминланган. Яқин келажакда чўл зонасида муқобил МТП ташкил этиш ниятим ҳам бор. Биласизми, Қутчи массивида фермерчиликни ривожлантириш имкониятлари катта. Фермерлар техника хизматига эҳтиёж сезишади.

Фермернинг яна бир мақсади, Қутчи зонасида узумчиликни йўлга қўйишдир. Негаки, бу ернинг тупроғи тошлоқ. Узумининг шираси юқори бўлади. Қутчига ёндош қишлоқларнинг Қорабоғ, Қорахони деган номлар билан аталиши ҳам бежиз эмас. Қолаверса, узумчиликка ихтисослашган "Ғиждувон" ширкат хўжалиги томон йўлингиз тушса, боғларнинг қаровсизлик туфайли қамишзорларга айланганини кўрасиз. Ҳолбуки, бир пайтлар чўлни ўзлаштириш, боғ-роғлар барпо этиш учун озмунча маблағ сарфланганми?

- Ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилаётганидан хабарингиз бор, албатта, - дейди М.Жабборова. - Биз ҳам маданий зонадан 100 гектарча ер олиб, фаолиятимизни кенгайтириш ниятидамиз. Айни дамда ўзимизни тендерга тайёрлаб бораяпмиз. Биласиз, тендерда иштирок этишнинг маълум бир шартлари бор...

Одатда, математиклар аниқ ҳисоб-китобни, халқ таъбири билан айтганда, етти ўлчаб, бир кесишни ёқтирадилар. Мухтабар опанинг фермерлик фаолиятида ҳам айнан шу нарса асқотмоқда. Қолаверса, унинг меҳнати эл-юрт назарида. Буни опанинг 51-Зарангари сайлов округидан халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши депутати этиб сайланганидан ҳам билса бўлади. Демак, зиммада эл ишончини оқлаш масъулияти бор. Бу масъулият "Камолот"ни камолот чўққиси сари етакласа ажаб эмас.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

МАСЛО ХЛОПК. 813,8 ▼- 4,6 | САХАР 538,1 ▲ +13,8 | МУКА выс.сорт 280,2 ▼ -1,3 | МУКА 1 сорт 196,7 ▲ + 0,4 | МУКА 2 сорт 181,5 ▲ + 1,5 | ЦЕМЕНТ 29,4 ▼- 0,04

Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

"Пахта Банк"

ўз акциядорларини ва мижозларини, барча онахонлар, опа-сингилларни



8 Март – хотин-қизлар байрами

билан қутлайди ва янги "Баҳор" муддатли омонат турини таклиф этади!

Мазкур омонатга маблағлар 9 ой муддатга, йиллик 25 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 20.000 сўм миқдорида банкнинг барча филиалларида қабул қилинади.

Шунингдек, Сиз "Пахта Банк" тизимида мавжуд 12 турдаги манфаатли омонат турларига маблағлар қўйишингиз ҳамда сўм пластик карточкаларидан фойдаланишингиз мумкин.

Омонатга қўйган пул маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.



"ПАХТА БАНК" – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Мурожаат учун телефонлар: 78-20-98, 78-20-35, 78-10-32.

# Рақобат – ривожланиш пойдевори

***Тадбиркорлик, ўрта ва хусусий бизнеснинг ривожи рақобат муҳитининг қай даражадалигига боғлиқ. Зеро, рақобат бор жойда изланиш, ўсиш пайдо бўлади. Шу маънода ушбу соҳа вакиллари манфаатларини таъминлаш ҳамда уларни ривожлантиришда тенг шароитларни яратиш, фаолият юритишлари учун мавжуд тўсиқларни бартараф этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.***

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида ўтказилган семинарда ҳам шу хусусда сўз юритилди.

– Бугунги кунда монополиялар таркибидан ажралиб чиқаётган рақобатдош соҳаларга кичик ва хусусий бизнес субъектларини жалб қилиш истиқболли йўналишлардан бирига айланмоқда, – дейди қўмита раисининг ўринбосари Анвар Усмонов. – Бизнинг асосий мақсадимиз эса тадбиркорларга етарли шароит яратиб бериш, улар ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириш. Тўғри, айни дамда тадбиркорлар орасида ҳам қонунбузарлик ҳолатлари учраб туради. Аммо бундай ҳолларнинг аксарияти тадбиркорларимизнинг, мулк эгаларининг қонунларни мукаммал билмасликлари туфайли келиб чиқади. Бунинг учун эса тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтиришимиз лозим.

Дарҳақиқат, тадбирда айтилганидек, хўжалик ва давлат бошқаруви, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларининг хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорлар фаолиятига асоссиз аралашувини, уларнинг рақобатини чеклайдиган хатти-ҳаракатлари олдини олиш долзарб масалалардан саналади. Жумладан, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи монопол тузилмаларнинг (Машина-трактор парклари, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари тарқатувчи ҳамда маҳсулотларни қайта ишловчи корхоналар) рақобатга зид ишлари, яъни юқори нархларни белгилаши, номутаносиб шартларни мажбуран қабул эттириши, тадбиркорларнинг бозорга киришига тўсқинлик қилиш каби кўрсатмаларини аниқлаш ва тегишли чоралар кўриш алоҳида аҳамиятга молик жараён ҳисобланади.

**ЙИҒИЛИШ**

Самарқанд вилоятининг "Агромашсервис" очиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли 16 та МТПнинг ерни ҳайдаш, буғдой ўриш хизматларига белгиланган тарифларни ошириб қўллаганлиги ва бу орқали 187,3 миллион сўмлик ноқонуний даромад олганлиги, Сирдарё вилоят МТП ОАЖнинг ҳам худди шундай ҳолатда 1,6 миллиард сўмлик ортиқча маблағни ўзлаштирганликлари юқорида айтиб ўтганимиз сингари ғайриқонунийликлар оқибатида келиб чиққан. Ушбу пуллар бевосита қўмитанинг аралашуви билан деҳқон ва фермер хўжаликларига қайтарилган. Йиғилишда иқтисодиётимизнинг асосий ишлаб чиқарувчиларидан бири бўлмиш тадбиркорлар, аграр соҳа таянчи ҳисобланмиш фермерлар фаолиятига бундай назар билан қарашга барҳам бериш зарурлиги таъкидланди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

***Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Чунки унинг муваффақиятли амалга оширилиши ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги кўпгина долзарб вазифаларнинг тўлиқ ва тезроқ бажарилишида, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда асосий омил бўлади. Ушбу тармоқда ислоҳотларни таъминлаш учун етарли асослар яратилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Аммо шунга қарамасдан, айрим мансабдор шахсларнинг ишларни ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари, мутасадди ташкилотларнинг эътиборсизлиги, ердан фойдаланувчиларнинг ерга масъулиятсиз ёндошишлари ҳамон учрамоқда ва бу иллатлар ушбу ислоҳотлар йўлига ғов бўлмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бундай салбий ҳолатлар қониқарсиз натижаларга олиб келади.***

Жойлардаги тугатиш комиссиялари мавжуд маълумотларга асосан юзаки ахборотлар юбориш билан кифояланилиб, ярoқсиз мол-мулкларни, боғ-токзорларни, чорва фермаси ва молларни белгиланган муддатларда аукционда сотилишини таъминлашда танлов ўтказиш ва унга доир туман ҳокимларининг қарорларининг қонуний қабул қилинишида ерларни ажратиш, ер ижараси шартномаларини тузишда қарзлар бўйича мажбуриятларни расмийлаштиришда

# Хатолардан хулоса чиқарилса

Масалан, Тошкент вилоятининг ўтган йилги паст кўрсаткичлари ҳам айнан шундай ҳолатлар мавжудлигидан келиб чиқди. Вилоят 2004 йилда ғалладан ҳам, пахтадан ҳам етарли ва кутилган маррага етиб боролмади. Албатта, бу ўтган йилги хатолар. Муҳими, уни такрорламаслик, тегишли хулоса чиқаришда.

Афсуски, вилоятда жорий йил ҳосили учун олиб борилаётган ишлар, кузги-қишки тадбирларда ҳам қатор камчиликларни кўришимиз мумкинки, бу вилоятнинг жорий йилги кўрсаткичларига ҳам таъсир қилмайди, деб кафолат бериш қийин. Рақамлар ва аниқланган ҳолатлар вазиятни баҳолашга имкон беради.

Текширишлар ва таҳлиллардан маълум бўлмоқдаки, жойларда жорий йил ҳосилига тайёргарлик жараёнида соҳа мутасаддиларининг масъулиятсизликлари туфайли амалга оширилаётган ишлар етарли самарасини бермаётир.

Ҳосилни мўл ва сифатли етиштираман деган деҳқон, албатта, ернинг шудгорига барвақт киришиб, сифатига катта эътибор қаратади. Вазирлар Маҳкамасининг "2005 йил ҳосили учун шудгорлашни уюшқоқлик билан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам деҳқончиликнинг айнан ана шу жиҳатини самарали ўтказишга хизмат қилади. Аммо вилоятнинг аксарият туманларида шудгорлаш мавсумининг ёғингарчиликсиз кунлардан унумли фойдаланилмасдан, шудгорлашни якунлаш муддатлари анчагина кечикишига олиб келган. Бунга биринчи навбатда мавжуд техникаларнинг тўлиқ тайёр эмаслиги, уларнинг таъмирдан сифатсиз чиқарилганлиги сабаб бўлган. Оқибатда вилоят бўйича ушбу мавсумда 546 та ўрнига 351 та ҳайдов тракторлари иштирок этди. Бугунги кунга қадар 83100 гектар ер шудгорланган. Ҳали шудгорланиши лозим бўлган ерлар ҳам талайгина. Хусусан, Бўка туманида 453, Ўрта Чирчиқ туманида 508, Қуйи Чирчиқ туманида 898 ва Пискент туманида 953 гектар майдон шу пайтга қадар шудгор қилинмаган.

Бу йил вилоят ғаллакорлари контрактация шартномаларига кўра, 130244 гектар майдондан дон етиштириб олишлари керак, ҳақиқатда эса бу рақам 126611 гектарга тўғри келмоқда. Чунки дон 3633 гектар ерга умуман экилмаган. Бу вилоятнинг Оққўрғон туманида 34, Бекобод туманида 53, Тошкент туманида 113, Паркент туманида 129, Пискент туманида 221, Зангиота туманида 368, Қуйи Чирчиқ туманида 609, Оҳангарон туманида 622 гектар майдонга ғалла экилмай қолди, деган гап. Шартнома тузиб умуман буғдой экмаган фермерлар сони эса 55 тани ташкил этади. Ушбу ҳолатлардан таассуфланарли савол туғилади. Фермерликдан мақсад, шартнома номига тузишдан муддао нима?

Бундан ташқари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишлари ҳам қониқарли аҳволда эмас, яъни тозаланиши лозим бўлган 536 км каналлардан бугунги кунга қадар 391 километри, 248 километр хўжаликлараро зовурлардан 168 километри, 4472 километр ички суғориш тармоқ-

**ТААССУФ**

ларидан 3839 километри тозаланган, холос.

Сув тармоқларини суғориш ишларига, айниқса, Оққўрғон, Бекобод, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманларида эътибор суст.

Худди шундай ҳолатларни ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш ва тарқатишда ҳам кўриш мумкин.

Қишки қишлоқ хўжалиги тадбирларининг вақтида ўтказиш учун жойларга етказиб берилган нефт маҳсулотларининг моддий жавобгар шахслар томонидан ўзлаштирилаётганлиги аниқланган.

Жумладан, "Кучлук нефт базаси" унитар корхонасининг Пискент туманида жойлашган фермерларга хизмат кўрсатувчи 27-сонли шохобча оператори К.Султонмуродов тарқатиш варақчасига тумандаги "Баракат Ривож" фермер хўжалиги раҳбари Т.Комиловнинг имзосини қалбакилаштирган ҳолда унга тегишли бўлган 240 литр дизел ёнилғисини ўзлаштириб юборган.

Яна ўша К.Султонмуродов 2005 йил 19 январ куни 700 литр дизел ёнилғисини ҳеч қандай ҳужжатлар расмийлаштирмасдан тумандаги "Эгам Турдиали" фермер хўжалиги раҳбарига бериб юбораверган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини ҳам лозим даражада таъминланди, деб бўлмайди.

қонун талабларига риоя этмаган.

Ширкат хўжалигини фермер хўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссиялари, шунингдек, давлат техника назорати инспекциялари ва ер ресурслари мутасаддиларининг ўтказилган инвентаризациялар натижасида ғалла майдонларининг тўлиқ экилганлиги ёки экилмаганлиги, пахта майдонларининг белгиланган миқдорда шудгор қилиб қўйилганлиги, техника воситаларининг тўлиқ ва соз ҳолатда қабул қилиб олинганлиги бўйича амалга оширган ишлари таҳлил қилиб кўрилмаган.

Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда Бекобод тумани машина-трактор паркида 13 миллион сўмдан ортиқ техника воситалари асоссиз ҳисобдан чиқариш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Шунга ўхшаш жиноят ишлари Янгийўл ва Юқори Чирчиқ туманлари МТПлари бўйича ҳам қўзғатилиб, тергов қилинмоқда.

Шунингдек, туман ҳокимликлари томонидан банклар, нефт маҳсулотлари ва ветеринария хизмати идораларининг инфратузилма объектларини яратилишида ҳам сусткашликка йўл қўйиб келинган.

Бугунги кунгача 14 та ёнилғи қуйиш шохобчалари ўрнига 9 та, 16 та сувдан фойдаланиш уюшмалари ўрнига 7 та, 6 та ветеринария хизмати кўрсатиш объектлари ўрнига 2 та, 7 та ахборот ва консалтинг хизмати шохобчалари ўрнига 4 таси фаолият кўрсатмоқда.

Аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари бўйича тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилади. Лекин қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлашда биргина прокуратура идораларининг саъй-ҳаракатлари камлик қилади. Бунинг учун барча мутасадди ташкилотларнинг қўлни-қўлга бериб, баҳамжиҳат тер тўкишлари керак бўлади. Зеро, ер тирикчилигимиз манбаи, ризқимиз бутунлиги кафолатидир. Уни ҳеч қандай кўзбўямачилик билан алдаб бўлмайди. Акс ҳолда бундай ҳаракат эртага фақат ўзимизга зиён келтириши шубҳасиз.

**Ҳамза МАҲМУДОВ,**
**Тошкент вилояти прокурори ўринбосари,**
**юридик фанлари номзоди.**

# YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

## Ўққа тутишди

***Жорж Буш Италия махсус хизмати вакилининг ўлими ва журналист аёл Жулиан Сгрен тан жароҳати олгани муносабати билан ҳамдардлик билдирди.***



56 ёшли италиялик журналист Жулиан Сгрен бир ой аввал Ироқда жангарилар томонидан асир олинган эди. Бир неча кун илгари у асирликдан озод этилиб, Италия махсус хизмати ходимлари кузатувида Бағдод аэропортига олиб кетилаётганида улар жойлашган автомобилни америкалик ҳарбийлар ўққа тутишган. Натижада италиялик бир ҳарбий ҳалок бўлиб, журналист елкасидан яраланган.

Америкалик ҳарбийлар тушунтиришларига кўра, улар италияликлар жойлашган автомобилни террорчиларга тегишли деб ўйлашган.

## Қўноққа чорлов

***Чечен айирмачилари лидери Аслан Масхадов Россия Федерацияси президенти Владимир Путинни яккама-якка учрашувга чорламоқда.***



Бу ҳақда Аслан Масхадов интернетда чечен айирмачилари махсус сайтида берган интервьюсида баён этган. Масхадов сўзича, агар Путин у билан юзма-юз суҳбат қуриб, чеченлар удумига кўра унинг қўноғида бўлса, Чеченистондаги можаролар 30 дақиқа ичида бартараф этилиши мумкин.

"Путин бу таклифларга кўнмаса мужоҳидларим уруш оловларини янада алангалатиб, бутун Шимолий Кавказда уруш бошлашади" дейди чечен айирмачилари раҳнамоси.

Россия президентининг Масхадов таклифини қабул қилиши ҳозирча номаълум. Путин бир неча бор чечен айирмачиларини террорчилар сифатида тан олиб, улар билан учрашишга розилик бермаган.

## Жиноят излари чуқурлашмоқда

***Украиналик журналист Георгий Гонгадзе ўлими юзасидан олиб борилаётган қидирувнинг яна бир қурбони пайдо бўлди.***



ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги хабар қилишича, Украина Ички ишлар вазирлигининг собиқ раҳбари Юрий Кравченко ўтган куни ўз жонига қасд қилган. Ўлими олдидан қолдирган хатида шундай сўзларни битган: "Азизларим, мен бу ишларда айбдор эмасман. Мен Кучма ва унинг яқинлари сиёсий ўйини қурбони бўлдим. Мен соф виждон билан сизларни тарк этмоқдаман".

Гонгадзенинг ўлимида собиқ президент Кучма ва Юрий Кравченко ўртасида бўлиб ўтган суҳбат аудиоёзувлари асосида улар гумон қилинмоқда.

Айни дамда экс-президент Леонид Кучма Киевга келган.

## Ваъда бермоқда, аммо...

***Жаҳон ҳамжамияти Суриянинг Ливан борасидаги режаларидан норози дея хабар беради CNN.***



АҚШ, Франция, Исроил ва бир қанча давлат Сурия президенти Башар Асаддан Ливандаги ҳарбийларини зудлик билан олиб чиқиб кетишини талаб этмоқда. Шунингдек, Башар Асад ва Саудия Арабистони шаҳзодаси Абдулло учрашувида шу ҳақда айтиб ўтилди. Шаҳзода Абдулло сўзича, агар тез кунларда Сурия ҳарбийлари Ливанни тарк этмаса, Саудия Арабистони билан ўзаро ҳамкорликларга совуқчилик тушиши мумкин.

Башар Асад ҳарбийларни Ливандан олиб чиқиб кетишга ваъда берса-да, қачон ва қай тарзда амалга оширишни маълум қилмаяпти.

## Жабрдийдалар нима дейди?

***Вьетнам аҳолиси Американинг баъзи кимёвий компанияларини судга бериш ниятида.***



The Independent газетаси ёзишича, Вьетнам уруши чоғида Пентагоннинг заҳарли кимёвий моддаларни қўллаши оқибатида айни дамда 4 миллионга яқин вьетнамликлар ўткир респиратор касалликдан азият чекишади. Шу сабабдан улар ўша даврда Пентагонга заҳарли моддаларни етказиб берган 30 га яқин компаниялардан бир неча миллиард доллар моддий маблағ ундириб олишмоқчи.

## Террорчи қўлга тушди

***Покистондаги биринчи рақамли террорчи қўлга олинди.***



Мамлакат хавфсизлик хизмати хабарларига кўра, қўлга олинган террорчи Рамазон Менгал "Лашкар э-Жангви" қуролли гуруҳи ташкилотчиси бўлиб, юзлаб одамларнинг ёстиғини қуритган ва терактлар содир этиб келган.

Бундан аввалроқ Рамазон Менгални қўлга олишда ахборот етказган шахс учун Покистон ҳукумати 10 миллион рупий ваъда берган эди.

## Ароқ ичиш умрга завол

***Туркияда ярoқсиз спиртли маҳсулотни истеъмол қилиш оқибатида оммавий заҳарланиш вужудга келган.***



Европа Пресс маълумотига кўра, Истамбул шаҳридаги ресторанларнинг бирида тарқатилган қўлбола ароқдан 16 нафар мижоз ҳалок бўлган. 44 нафари эса зудлик билан шифохонага ётқизилган. Улардан яна 16 тасининг аҳволи оғир эканлиги айтилмоқда.

**Интернет хабарлари асосида**
**Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

**"Оҳангарон" ОАЖ акциядорлари диққатига**

**"Оҳангарон" ОАЖ қуйидагиларни маълум қилади:**

Маълумотнинг тартиб рақами – 07

Акциядорлар рўйхатини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган сана: 3 март 2005 йил

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати (реестри) тузиладиган сана: 8 март 2005 йил.

**"ОҲАНГАРОН" ОАЖ БОШҚАРУВИ**

"ТЕХСЕЛЬСНАБ" МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Россия Федерацияси заводларида ишлаб чиқарилган АВТОМОБИЛЛАР ва ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК техникаларининг ғилдиракларини таклиф қилади.

Пул ўтказиш йўли билан Ғалла ва пахтанинг 23210, 23220 траншларини ҳам қабул қилади



Тошкент ш., Чилонзор-2, Гагарин кўч., 26

Тел./факс: 77 1451, тел.: 79 9468

1037234, 771210

Товар сертификатланган

АО "СПН" стройпусконаладка, зарегистрированный в Министерстве Юстиции Республики Узбекистан, код по ОКПО 15367982, ОКОНХ 14831, ликвидируется. Претензии принимаются в течении одного месяца после опубликования объявления. Тел: 133-00-57.

Тадбиркорлар ва ишлаб чиқарувчилар диққатига!

**Сахарин сотилади**

Тошкентдаги ташкилот омборхонасидан Испанияда ишлаб чиқарилган, шакар ўрнини босувчи моддалар (таркиби аспартам, сахариндан иборат), ширинлик коэффициенти 160-200 бўлган маҳсулотлар сотилмоқда. Тўловлар исталган шаклда амалга оширилади. Бир килограммнинг нархи 7500 сўм.

**Манзил: Чилонзор, Қатортол кўчаси, 60 уй**
**Тел.: 173-53-57; 173-97-53.**

**УВАЖАЕМЫЕ АКЦИОНЕРЫ**

**ОАО "ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ"**

*ОАО "Электркимёсаноат" извещает, что 8 апреля 2005 г. в 16.00 часов состоится годовое общее собрание акционеров по адресу: Г.Чирчик, ул.Ташкентская, 2 в зале заседания акционерного общества.*

**ПОВЕСТКА ДНЯ**

1. Отчет Наблюдательного Совета по итогам работы 2004 года
2. Довыборы в состав Наблюдательного Совета
3. Довыборы в состав ревизионной комиссии
4. Отчет председателя Правления об итогах деятельности ОАО за 2004 год
5. Утверждение акта ревизионной комиссии и заключение аудитора по итогам работы ОАО за 2004 год
6. Утверждение бухгалтерского баланса за 2004 год
7. Утверждение распределение прибыли, размера дивидентов и форма его выплаты за 2004 год
8. О продлении договора найма с председателем Правления на 2005 год
9. Утверждение аудитора общества и оплаты услуг аудита на 2005 год
10. Утверждение бизнес-плана на 2005 год
11. О выплате вознаграждений Наблюдательному Совету, исполнительному органу и ревизионной комиссии по итогам деятельности за 2004 год

**Реестр акционеров закрыт по состоянию на 4 марта 2005 г.**

**Баланс ОАО "Электркимёсаноат" на 01.01.05 г. (тыс.сум)**

| Актив | | Пассив | |
|---|---|---|---|
| Долгосрочные активы | 28853401 | Источник собст. средств | 35856236 |
| Текущие активы | 16492862 | Обязательства | 517465 |
| Денежные средства | 3950117 | Прочие кредиторы | 36537589 |
| Прочие дебиторы | 43970 | | |
| **ИТОГО:** | **72911290** | **ИТОГО:** | **72911290** |
| **Балансовая прибыль** | | **3974930** | |
| **Налоги и прочие отчисления** | | **1908629** | |
| **Чистая прибыль** | | **1966301** | |

**Наблюдательный Совет**

ШРОТ 69,7 ▲+ 4,8 | ШЕЛУХА 28,8 ▲+ 4,5 | АРМАТУРА 421,5 ▲ + 6,5 | МЕДНАЯ КАТАНКА 3374,2 ▼-112,8 | Символы цен: ▲+ Увеличилась; ± не изменилась; ▼- Снизилась; +0,0 на сколько сум | Сум/кг | UZEX.COM УзРТСБ

# Кимдан камдур ҳур элимнинг қизлари

МУШОИРА

### Насимлар

Самолар бағрида ёнар камалак,
Гуллар яноғидан ўпар капалак,
Толпопуклар тақар сочи жамалак,
Насимлар баҳорни бошлаб келади.
Шиддатга айланар майин жилғалар,
Бинафшадан аввал ялпиз жилмаяр,
Қуёш кўк тоқида солланган дилбар,
Насимлар баҳорни бошлаб келади.
Лолалардан ёниб кетади қирлар,
Ёвшонлар исидан сармаст ўнгирлар,
Ҳайратга канизак бўлар кўнгиллар,
Насимлар баҳорни бошлаб келади.
Бор куч-қудрати, имкони билан,
Диёнати билан, иймони билан,
Қаторида Фитрат, Чўлпони билан,
Насимлар баҳорни бошлаб келади.
Яшил майсалардан дуррача бойлаб,
Ғанимат кунларга шукрона айлаб,
Дилларга ғолиблик ҳиссини жойлаб,
Насимлар баҳорни бошлаб келади.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА**

### Ҳиммат

**(Фермер-аёлларга)**

Бекам десам, юртни бекам қилай деб
Заминга ҳам қўлин тутган аёлим.
Фарзандин йўлига термулганидай
Уруғ унишини кутган аёлим.
Нозиклигин атаб ҳар бир ниҳолга,
Заминга меҳрин ҳам тиккан аёлим.
Пойига нур сочиб чиққану қуёш
Бошидан айланиб ботган, аёлим.
Ҳар куни шу ерга минг сажда қилиб,
Ватан ишқи надур, айтган аёлим.
Тўмарис, Қурбонжон ҳиммати, шашти
Деҳқон сийратида қайтган аёлим.
Миллатнинг юзи сен, ўзбек сен демак,
Бир этак болажон туққан аёлим.
Меҳримни дурдайин тақай бўйнинга,
Дунё гўзалларин ютган аёлим.
Бир пас мизғиб қолса дала бошида
Ой ҳам юзига юз суртган аёлим.
Эй озод гулимей, озода гулим,
Пойида жаннатлар ётган аёлим.

**УЗРО**

### Фариштам

Тонг саҳарда офтоб уйғотар,
Юзларида ой балқиб ётар.
Лабларида гул хандон отар,
Кимдан камдур ҳур элимнинг қизлари.

Сулувлардек сўзларида ибоси,
Кўзларида жамолининг маъноси.
Момоларин юзларида ибоси,
Кимдан камдур ҳур элимнинг қизлари.

Зукко, эпчил, уқувлидир ҳар ишда,
Ишларидир саранжому саришта.
Ота-она пойин ўпган фаришта
Кимдан камдур ҳур элимнинг қизлари.

**Лобар МИРЗАЛИЕВА**

### Шифокорларга

Ширин сўзингиздан ором олар қалб,
Беморга ҳар лаҳза ёрдамга шайсиз.
Йилдайин тунларни тонгларга улаб,
Дард чеккан кишига кор излагайсиз.

Инсон кўнгли нозик, ҳар кўнгилдир гул,
Англолмай ўтади гоҳо бир-бирин.
Ҳар битта юракка топадирсиз йўл,
Сизга борин айтар, очади сирин.

Барҳамлар топади кудратлар, кинлар,
Юзини бурмасин сизлардан омад.
Нозик қўлларингиз дард кўрмасинлар,
Одамлар бахтига бўлинг саломат.

**Назира ЎРОҚОВА**

### Лолажон

Бойчечак бошини кўтарди,
Райҳонлар уфурди кўксима.
Кунларим шунда ҳам ўтарди,
Дийдорлар оз қолди ўксима.
Сени соғинаман, лолажон.

Уфқ ҳам кўтариб бошини,
Қалбимга нурини сочади.
Лолажон, дугонам сен томон,
Ўша нур йўлимни очади.
Сени соғинаман, лолажон.

Баҳорда уйғонса бойчечак,
Киприги кўз ташлар соянгга.
Наҳорда очилса жилмайиб,
Қошини бир қоқар қаранг-а
Сени соғинарлар, лолажон.

**Умида НУРМЕТОВА**

# Рассом хандаси




А.ҲАКИМОВ чизган расмлар.

# «Динозавр»лар

***-Кун ўтказиш кайфиятида яшаётган, на иш, на ўқиш, на изланиш билан банд бўлмаган бекорчи билан ҳеч суҳбат қурганмисиз?***

Қишлоғимизда айни пайтда бу тоифа одамларни кўп учратасиз. Элчилик... баъзан тўй-ҳашамларда, маракаларда уларнинг даврасига тушиб қолсам, нафасим сиқилиб, бўғзимга нимадир тиқилади, - 43 йилдан бери ўқитувчилик ортидан ризқини териб келган сирдарёлик Ҳакимбой Ғозибеков куйиниб сўзлайди.

- Бекорчиликда кишининг фисқу фасодни шерик қилишига кўп гувоҳ бўлганман,- давом этади у. – Аммо ҳозир орамизда шунақа бекорчилар борки, улар фақат ва фақат турмушидан, жамиятдан нолишгани-нолишган. Уларнинг нолиш билан умрларини ўтказишаётганига кулишни ҳам, куйишни ҳам билмайсан.

«Қаёққа қарама, фермер, тадбиркор... Менга ўхшаган ишсизлар эса эшик оғзидаги молини ҳам сотиб бўлди. Оилани қандай тебратаман, деб уйқуларим қочиб кетади. Шуям яшашми?» дея бўзлаётган одамга ҳамдарду, ҳатто унинг фиғонини қўллаб-қувватловчилар ҳам топилиши мумкин. Сиз эса ўша нолиётганга бугун замон ўзгарганини, яшаш учун кураш, курашганда ҳам оқилликни, уддабуронликни дастак қилиш лозимлигини уқтириб кўринг-чи, сўзларингизни тинглашга тоқати етмай, қўл силтаб кетаверади. Энг ёмони, улардаги бу норозилик руҳи, уқувсизлик, қайсидир маънода жамиятга нисбатан нафрат ўз-ўзидан фарзандларига ҳам кўчаяпти. Ҳар ҳолда мева дарахтдан узоққа тушмайди-да... Буни мактабда таҳсил олаётган ўқувчиларимнинг айримлари мисолида хулоса ясаб, билиб айтаяпман.

- Қишлоққа борсам, айрим қишлоқдошларимнинг ночор яшаётганликларини кўриб, диққатим ошади. Улар билан суҳбатлашиб, кўнгилларида орзу ҳам, мақсад ҳам қордай эриб кетганини сезаман, - дейди яна бир суҳбатдошимиз – Республика Агробиржа ходими Зоҳид Ёвқочов. – Шуниси аниқки, боқиманда одамгина бекорчига айланади. Бекорчи эса тушкунлик, умидсизлик ичида қовурилиб, умрини бой бераверади.

Ана шундай умидсиз қишлоқдошларимнинг кўпинча тумандаги ёки вилоятдаги қайсидир раҳбарнинг қулоққа чалинган қинғирликларини кўпириб-тошиб "таъриф" этишаётганида, баъзи жойларда ишлаб ҳам, маошини вақтида ололмаётганларга ачинганнамо бўлиб, «Оғзи қийшиқ бўлса ҳам, бойнинг ўғли сўйласин, деган замон келди», дейишаётганида чидаб туролмайман. «Лавозимда ўтирганнинг ўз мансабини суиистеъмол қилишига ҳам аслида ўзимиз айбдормиз. Ҳуқуқимизни билмаймиз, ҳаққимизни талаб қилишдан қўрқамиз. Бунақа мутелик ҳар қандай қинғирликка йўл очади. Маошини вақтида ололмаётганлар ҳам мутеликка мубтало кишилар», дея уларга қарши чиқсам ҳам, кимларнидир қоралашдан тўхташмайди.

МУНОСАБАТ

Шундай дамларда ўйланиб қоласан киши, одамларимиз нега қадамидан нарини кўришни истамайдилар? Кун сайинмас, соат сайин ўзгариб, тараққиёт билан бирга йўқотишларга ҳам кўникишга мажбур замонга нега мослашолмаяптилар? Эҳтимол, менинг бу фикрларим кимгадир оғир ботиши мумкин, аммо мен учун битта ҳақиқат бор: маънан қашшоқ одамгина олма пиш, оғзимга туш, деб яшайди. Оқибатда камбағалликдан ҳеч қачон қутула олмайди.

Албатта, юқоридаги мулоҳазалар айримларда эътироз туғдириши табиий. Чунончи, замонга мослашолмасликни замонасозликдан холи ҳисоблагувчилар ҳам топилади. Изоҳлаб ўтмоқчимизки, биз бу ўринда таниқли ёзувчимиз Шукур Холмирзаевнинг қаҳрамонларидан бири - ўз эътиқодини, қарашларини ўзгартиришни истамай, жамиятга сиғмаган «Динозавр» ёхуд ҳаммамизга таниш - хаёлотнинг буюк чўққисида ўз орзуларига интилиб, абгор жамиятга кулги бўлган Дон Кихотлар хусусида эмас, балки ўз-ўзини моддий қашшоқликка маҳв этиб, тирикликдек улуғ имкониятни ҳалокатга дучор қилаётганларга доир сўз юритмоқдамиз.

Эл суйган шоир Абдулла Ориповнинг «Тилла балиқчаси»ни ўқиган бўлсангиз керак. Балки бироз ножоиз ўхшатишдир... Назаримизда, дунёни «бир кўлмак ҳовуз деб билган» тилла балиқчалар тимсолидаги бу кундан норозилик, ношукурлик етовида юрганлар салкам ўн тўрт йилдирки, эркинликнинг тафтини ҳис қилолмаётганликлари, мамлакатда ҳар бир жабҳада олиб борилаётган ислоҳотлар замирида фуқаролар манфаати ётганлигини тушунмаётганликлари рост гап.

Албатта, жамиятимизда адолатсизликнинг, ноҳақликнинг илдизи буткул қирқиб ташланган, деб айтолмаймиз. Бироқ Ер юзида бу иллатлардан холи бирор бир давлат бормикан?! Ёки бирорта инсон топилармикан бу синовларга тўқнаш келмаган?! Демак, ушбу важлар ҳаётдан, жамиятдан нолишга асос бўлолмайди...

- Бир пайтлар ишласа, ишламаса, маош олиб яшаган, энди эса «ишламаса, тишламаслигини» англаса-да, бу оддий ҳақиқатни тан олишни хоҳламайдиганларни худди зарпечак ўраб олган ўсимликка ўхшатаман, - дея муносабатини билдиради халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати Эркин Акбаров. – Лекин улар ожиз ўсимлик эмас, инсон-ку... Нима учун фароғатга интилаётган тадбиркор қилаётган сай-ҳаракатни бошқа бир замондошимиз амалга ошира олмайди?

Девордармиён ўсган икки йигитни биламан. Оилавий аҳволи бир хил бўлган бу йигитлар бирга ҳарбий хизматда бўлишган, битта техникумда ўқишган. Қарангки, мустақилликнинг илк йилларидан бири бир парча ер олиб, фермерликдан даромад топа бошлади. Ҳозирги кунда рўзғори бут, хонадонига борсангиз, саранжомликка ҳавасингиз келади. Яна бирининг эса қора қозони сувга ташлаб қўйилган, болаларининг юпун юришганини кўриб ичинг ачийди. Тўрт мучаси соғ бу йигитнинг ўзини кам таъминланганлар қаторига қўшишини ҳеч ҳазм қилолмайман. «Экин-тикин даври бошлансин, чўлга бориб қовун экиб, пул топаман,» дейди агар ҳол сўрасангиз. Йил-ўн икки ой мана шу хаёлда кун ўтказаётган бу йигит ўз умрига ўзи зомин бўлаётир, ўзини-ўзи қашшоқликдек уқубат кундасига бошини қўяётир.

Хулоса... Хулоса чиқаришдан йироқмиз ва буни газетхонлар ҳукмига ҳавола қиламиз. Лекин айтар сўзимиз шуки, ҳаётдан нолиб, ўз омадсизлигимизга ўзгаларни ёки жамиятни айбдор санай олмаймиз.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

***Тиббиёт ажойиботлари***

## "Қўлбола" оёқ

***Аниқ маълумотларга қараганда, жаҳонда биринчи бор ясама оёқ милоддан илгари III асрда яратилган экан.***

Мазкур улама оёқни ёғоч устунчага юпқа бронза қоплаб тайёрлашган. Ҳозир ушбу дастлабки протез Британия музейида сақланмоқда.

## Бош мия очилганда...

***Ўзбек қадимшунослари Ўрта Осиёда эрамизнинг тўртинчи асридаёқ табиблар томонидан ўша замонларда яшаган бир аёлнинг бош суяги очилиб жуда мураккаб жарроҳлик амаллари ўтказилганлигини аниқлашди.***

Жарроҳлик амалини ижобий, беасорат бажарилганига далил – трепанация амали қўлланилганидан кейин аёл яна бир неча йил яшаган. Буни уланган жойлар яхши битиб кетганидан ҳам билиш мумкин эди.

## "Кўр ичак"нинг олиниши

***Жаҳонда биринчи бор "кўричак"ни (аппендицит) муваффақиятли равишда олиб ташлаган инглиз жарроҳи Клаудиус Эмиэнд эди.***

У 1736 йилда қирол Георг IIни жарроҳлик йўли билан оғир хасталикдан фориғ этган экан.

## Эмлашнинг антиқа йўли

***Бундан минг йиллар муқаддам Мексиканинг тугли аҳолиси заҳарли илонларнинг заҳарини кесиш учун ўзгача муҳофаза чораларини қўллаган эканлар.***

Жумладан, улар ана шу ўта хатарли илонларнинг тишларини олиб хавотирли жойларда фаолият кўрсатадиган кишиларнинг елка терисини тилиб қўяр эканлар. Бундай амал кутилган натижа бераркан. Ҳозирда ҳам Мексиканинг баъзи минтақаларида мазкур эмлаш усули қўлланилиб келинади.

## Фошар ясаган тиш

***XVIII асрнинг бошларига қадар қолипли тишлар бўлмаганди. Ўша замонларда тишни кўз билан чамалаб қўйишар эди.***

Мазкур асрнинг иккинчи ярмида фаранг шифокори Фошар биринчи бор сунъий жағларни ясаганди. Бунга қадар сунъий тишлар ёғоч ёки металлдан ясалиб, тиш каналига ўрнатиларди.

**Маннон НАБИЕВ тайёрлади.**




## "Севинч" – Ўзбекистон чемпиони

***Тошкентда аёллар ўртасида биринчи бор ташкиллаштирилган минифутбол бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди. Унда Қаршининг "Севинч" жамоаси барча 12 учрашувни ҳам ғалаба билан якунлаб, 36 очко жамғарган ҳолда чемпионликни қўлга киритди.***

Мусобақада иккинчи ўрин наманганнинг "Гулбаҳор" клуби футболчи қизларига насиб этди. Бухоронинг "Ёшлик" жамоаси чемпионатнинг бронза медали билан тақдирланди. Биринчиликнинг энг яхши тўпурари "Севинч" жамоаси ҳужумчиси Гулнора Азимова бўлди. У рақиблари дарвозасини 48 бор аниқ нишонга олган бўлса, унинг жамоадоши Камола Усмонова 21 гол муаллифи бўлиб учинчи ўринни қўлга киритди. "Гулбаҳор" футболчиси Луиза Маматказина эса чемпионатда 30 тўп киритган ҳолда тўпурарлар пойгасида иккинчи бўлди.

## Тимурнинг навбатдаги ғалабаси

***Нью-Йоркда жойлашган "Мэдисон Сквер Гарден" спорт саройида ҳамюртимиз, профессионал бокснинг суперооғир вазнида WBC Fecaribox чемпионлик камари соҳиби Тимур Ибрагимов ўзининг навбатдаги жангини ўтказди.***

Чемпионлик камари эгаси бўлган Тимурга қарши бу сафар АҚШлик чарм қўлқоп устаси Рональд Беллами рингга кўтарилди. Жангни фаол бошлаган ҳамюртимиз рақибини учинчи раунддаёқ чуқур нокдаун ҳолатига тушириб қўйди. Кучли зарбаларни ўтказиб юборган Беллами рингга қайта кўтарила олмади ва Тимур Ибрагимов ўзининг навбатдаги ғалабасини ҳам муддатдан олдин қўлга киритди.



Профессионал боксга 2000 йил 29 мартда кириб келган ҳамюртимиз 19 жангида ҳам ғалаба қозонди. Шундан 18 бор ғалаба қозонган Тимур фақатгина бир рингдаги "тўқнашувини" дуранг билан якунлаган. Ўн жангида эса у рақибларини муддатдан олдин "муштлашувни" якунлашга мажбур эта олган. Эндигина 30 ёшни қарши олган боксчимиз дунё рейтинг рўйхатида ҳозирча 87-поғонани эгаллаб турибди.

## Иккинчи даврада омади чопмаяпти

***Испаниянинг Линарес шаҳрида ўтказилаётган йилнинг илк энг йирик шоҳмот турнирининг иккинчи даврасида ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновнинг омади чопмаяпти.***

Дастлаб мусобақанинг 8-турида мезбонлар вакили Франсиско Вальехога имкониятни бой берган бўлса, 9-тур учрашувлари ҳам ҳамюртимиз учун муваффақиятсиз якунланди. ФИДЕ рейтинг рўйхатида биринчи ўрин соҳиби Гарри Каспаров билан бўлган учрашувда Рустам турнирдаги ўзининг иккинчи мағлубиятини тан олди.

Ушбу турнинг қолган учрашувлари эса қуйидагича якунланди: Петер Леко – Майкл Адамс 0,5-0,5; Веселин Топалов –Вишванатан Ананд 0,5-0,5. 9-турдан сўнг 5,5 очко тўплаган ҳолда




Гарри Каспаров пешқадамликни ўз қўлига олган. Болгариялик Веселин Топалов эса 4,5 очко билан иккинчи бўлиб турибди. Вишванатан Ананд ва Петер Леколар ҳисобида 4 очкодан бўлса, Майкл Адамс 3,5 очко жамғарди. Рустам Қосимжонов 3 очко ва Франсиско Вальехо 2,5 очко тўплади.

## Қозоғистондан медаллар билан

***Қозоғистонда ўтказилган эркин кураш бўйича халқаро турнирда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.***

Қорақалпоғистон Олимпия заҳиралари коллежининг саккиз нафар спортчиси гиламга чиққан мазкур турнирдан ўз вазн тоифаларида Рашид Ўтембетов олтин медални қўлга киритган бўлса, Муродбой Ўрозбоев кумуш медал билан тақдирланди. Яна бир курашчимиз Дамир Холиқов эса халқаро турнирдан бронза медали билан қайтадиган бўлди.

***"ФОРМУЛА-1" ПОЙГАЛАРИ:***

## Шумахер маррага етиб келолмади

***Австралияда "Формула-1" пойгаларининг навбатдаги жаҳон чемпионати биринчи босқичи бошланди. Унда "Renault" жамоаси пойгачиси италиялик Жанкарло Физикелла маррага биринчи бўлиб етиб келди.***



"Формула-1"нинг етти карра чемпиони Михаэл Шумахер эса янги мавсумдаги илк босқични охирига етказа олмади. Трассада "Williams" жамоаси пойгачиси Ник Хайдфелд билан тўқнашиб кетган Шумахернинг болиди ишдан чиқди ва у сўнгги айланада мусобақани тарк этишга мажбур бўлди.




Шумахернинг жамоадоши бразилиялик пойгачи Рубенс Барикелло эса Гран-прини иккинчи бўлиб якунлади. Бу унинг фаолиятидаги 200-пойга эди. "Renault"нинг яна бир "тезлик қироли" Фернандо Алонса эса учинчи бўлиб марра чизиғини забт этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

* Эҳтиёт бўлинг, этиклар **(эшиклар)** ёқилади **(ёпилади)**.
* Онаси ўпмаган қиз бол **(бор)**.
* Қўли **(кўзи)** товуқда **(совуқда)** қолди.
* Келинни кетганда **(келганда)** кўр, сепини ёпганда **(ейганда)** кўр.

## Мусаҳҳиҳ янглишганда

* Мўрига **(шўрига)** тўрва **(шўрва)** тикилди **(тўкилди)**.
* Қайси Камол **(шамол)** ичирди **(учирди)**.
* Ўроқда тўқ **(йўқ)**, машоқда тўқ **(йўқ)**, хирмонда нозир **(ҳозир)**.
* Шериклик отни **(ошни)** ит ҳам ечмайди **(ичмайди)**.
* Кепакли **(керакли)** қопнинг олғири **(оғири)** бўлмайди.
* Ўлганнинг **(ўтганнинг)** тароғини **(ўроғини)**, кетганнинг кетмонини олади.
* Булоқ **(қулоқ)** керак бўлса, кечиб **(кесиб)** олинг.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ**

# Кўҳна обида таъмирланмоқда

***2004 йилнинг июлида миллий меъморчилигимизнинг ноёб дурдонаси бўлган Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасини қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққан эди. Айни пайтда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан келган уч юздан зиёд уста, ҳунарманд ва қурувчилар бу мўътабар масканни обод қадамжога айлантириш учун меҳнат қилмоқда.***

- Бу хайрли ишнинг асосий пудратчиси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги ёдгорликларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш илмий-тадқиқот бош бошқармасидир, – дейди Шоҳи Зинда жамоатчилик фонди директори Сайфи Салоҳиддинов. – Шунингдек, ушбу тарихий меъморий иншоот атрофида амалга оширилаётган қурилиш ва ободончилик ишларини Самарқанд шаҳридаги 2-механизациялашган кўчма жамланмаси жамоаси бажармоқда. Ҳозиргача мажмуада 600 миллион сўм атрофидаги таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

ХАБАР

Саховатли халқимиз – тадбиркорлар, ишбилармонлар, қўшма корхона, хусусий фирма, деҳқон-фермер хўжаликлари жамоалари, ташкилотлар, турли идоралар, муассасалар ва оддий одамлар ушбу қадамжони қайта тиклаш ва обод этиш учун баҳоли қудрат пул маблағлари, қурилиш ашёлари билан кўмак беришаётир.



Мазкур мажмуанинг таъмирланиши Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги арафасида тугалланиши режалаштирилган. Бу ерда маҳаллий ва хорижий фуқароларнинг зиёрат қилишлари учун қулай шароитлар яратилади.

**Акрам ҲАЙДАРОВ,**
**Самарқанд.**





СУРАТЛАРДА: мажмуадаги таъмирлаш ишларидан лавҳалар.
**Нишон МЕЛИЕВ олган суратлар.**

Газетанинг навбатдаги сони 11 март, жума куни чиқади.

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона – 136-58-83 (факс):133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, масъул котиб-133-95-17, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-54-44, 136-58-83.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-217, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади -14902

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6